

ФЛЕЙТА

**БОЛАЛАР МУСИҚА ВА САНЪАТ
МАКТАБЛАРИ УЧУН ЎҚУВ ДАСТУРИ**

Тушунтириш хати

Ушбу ўқув дастури болалар мусиқа ва санъат мактабларининг Давлат талаблари асосида флейта мутахассислиги ўқитилишининг мақсад ва вазифаларини, мазмун-моҳиятини белгилайди.

Мазкур дастур ўқувчиларнинг умумий мусиқий ривожланиши, дамли ва зарбли чолғу асбобларида куй чалиш, ҳар бир ўқувчида оҳангдаги мусиқий товушларни фарқлаш ва ёдда сақлаш қобилиятини, мусиқий савиясини ва эстетик дидини ривожлантириш, бадий ҳаваскорлик жамоаларида иштирок этиш учун уларга керакли амалий кўникма ва билимларни сингдириш, кундалик турмуш шароитида чолғу асбобларини чалиш, шунингдек, юксак қобилиятга эга ижрочи созандаларни тарбиялаш каби мақсадларни ўз олдига қўяди.

Дамли чолғу асбобларида чалишни ўрганиш, ўқувчилардан мусиқий қобилиятдан ташқари, яхши соғлиқ ва жисмоний тайёргарликни талаб этади. Дамли чолғу асбобларида куй чалганда ўпка, лаб аппарати, танамизнинг айрим мушаклари таранглашади. Мухими, бармоқлар, лаблар, тишлар пуфлаб чалинадиган чолғу асбобларида таълим олаётган ўқувчилар учун белгиланган талабларга жавоб бериши керак.

Лаб аппаратини мақсадга мувофиқ равишда барча чолғу асбобларига қўя билиш, ўқувчи учун ижро этиш кўникмаларини эгаллашда кўп ҳолларда жиддий тўсиқ бўладиган, ортиқча мушакларни таранглашишини бартараф этган ҳолда, лаб кучини ва унинг ҳаракатчанлигини тарбиялашга боғлиқ.

Нафасни тўғри қўйиш бу ўқувчининг нафасга оид ўзгарувчанликдан фойдаланиш маҳорати, унинг мазкур мусиқа асарининг талабларига мос равишда шаклининг ўзгариши қобилиятлари билан характерланади. Дамли чолғу асбобларда энг кенг тарқалган нафас олиш тури,– кўкрак қорин /аралаш/ нафас олишдир. У ўпканинг тўлиқ ҳажмидан фойдаланиш билан фарқланади, унда нафас олиш ҳаракатларида кўкрак қафаси ва диафрагма бир хил даражада иштирок этади. Нафас олиш жараёнида ўқувчи елкаларини кўтармаслигини кузатиш ва назорат қилиш зарурдир.

Ижро техникасини ривожлантириш педагогик репертуарнинг барча асарларида /тез, аниқлик, равонлик/, этюд, гаммалар, машқлар устида мунтазам ишлаш орқали шакллантирилади.

Техник кўникмаларни ривожлантириш фақат катта миқдордаги машқларни шунчаки чалиб ижро этиш эмас, балки асарнинг ғоявий-бадий мазмуни ёритиши муҳимдир.

Гамма ва машқлар устида ишлашда, товуш чиқаришнинг ҳар хил штрихли, динамик, ритмик турларини қўллаш тавсия қилинади, бунда аниқ индивидуал топшириқлар бериш керак ва уларнинг бажарилишини мунтазам текшириб бориш керак.

Дарс жараёнида машғулотнинг турли шакллари қўллаган ҳолда дарсларни ташкил этиш (ижро қилинадиган асар характери тушунтириш,

вазифани бажариш жараёни ҳақида кўрсатмалар бериш ва уларни бажарилишини текшириш) лозим.

Кўп ҳолларда, дарс жараёнида ўқитувчи аввал топширилган асарни тинглаб, кейин эса тегишлича кўрсатмалар беради. Ўқувчи чолғу асбобининг тарихини, унинг тузилишини билиши керак.

Келажакда дамли чолғу асбоби ижрочисини шакллантириш учун ўқувчининг синфда аккомпанемент яъни фортепиано жўрнавози билан ишлаши муҳимдир. (бунинг учун мутахассислик соатлардан 50% концертмейстер соатлари назарда тутилган).

Фортепианода мураккаб бўлмаган пьесаларни ўрганишда ўқувчи ансамблда ижро этиш кўникмаларини ривожлантиради, аккомпанемент тинглаш ёрдамида мусиқа билан танишади, ижро қиладиган асарининг мазмуни ва услубини тушунишни ўрганади.

Дамли чолғуларда ижронинг нутқ оҳангига, бир маромлилик ва жўшқинлик жихатларига, айниқса пуфлаб чалинадиган чолғу асбобларида, нафақат бадиий материални ўрганаётганда эътибор қаратиш зарур. Мусиқий ифоданинг ўта муҳим воситаларини ўрганиш, ўқитиш жараёнининг барча даврини қамраб олган ҳолда, кетма-кетликда амалга оширилиши, ҳамда ўқитувчи ва ўқувчининг доимий эътибори сабабчиси бўлиши лозим.

Мутахассислик дарслари болалар мусиқа ва санъат мактабларининг мусиқа бўлимидаги ўқув ва тарбиявий ишларининг асосий шакли ҳисобланади (1-4, синфларда битта ўқувчига ҳафтасига 2 академик соатдан, 5 синфда 3 академик соатдан машғулотлар ўтилади). Мутахассислик синфлардаги яқка тартибдаги машғулотлар шаклан ҳар бир ўқувчини диққат билан ҳамда атрофлича кузатишга ва тарбиялашга барча зарур шароитларни яратади.

ИЗОҲЛИ МАЪЛУМОТНОМА

қисқа услубий тавсиялар

Болалар мусиқа ва санъат мактабларининг мутахассислик фани ўқитувчисининг ўқув-тарбиявий ишлар бўйича асосий вазифалари.

Бошқа мутахассислик ўқитувчиси сингари дамли чолғу асбоблари ўқитувчисининг асосий вазифаси-бу ўқувчиларни ҳис этишга ўргатиш, куй кечинмасини англаш, унга нисбатан муҳаббатни уйғотиш каби дастлабки кўникмаларни ривожлантириши лозим.

Ўқитувчининг яна бир энг муҳим вазифаларидан бири ўқувчиларда мустақил ишлаш кўникмаларини ривожлантиришдир. Ўқитувчи ўқувчиларни олаётган билимларини умумлаштириб, янгилари билан таништириб бориши лозим ҳамда кейинги топшириқларни бажаришда уларни амалиётда қўллашга ўргатиши керак.

Асарларни ўрганишда имкон даражасида ўқувчига тушунарли бўлган ва энгил асарлардан бошлаш лозим. Улар билан ишлаш жараёни шқувчининг

мустақил ишлаш кўникмаларини шакллантириб бориш лозим. Одатда, мустақил иш учун берилган вазифа, дастур бўйича мазкур синфда ўрганиладиган асарлардан енгил бўлиши керак.

Ноталарни варақдан ўқиш ва таҳлил қилишда иккинчи, бешинчи синфларда ҳар бир ўқувчига ҳафтасига 0,5 академик соатдан ажратилган. Унда ўқитувчи ўқувчининг имкониятлари, қизиқиши ва талабларини ҳисобга олган ҳолда муסיқий асарларни тўғри танлаши, унга иш жараёнида амалий ёрдам кўрсатиши керак.

Ноталарни варақдан ўқиш ва таҳлил қилиш учун материал тушунарли, қизиқарли бўлиши, тарбиявий ва билим орттирадиган мазмунга эга бўлиши керак. Ўқувчини нафақат саводли ва тушунган ҳолда ўрганиши, балки иложи борича ноталарни варақдан тез ўқиши керак.

Ўқувчининг ўзлаштириши унинг мустақил уй вазифаларини бажаришни тўғри ташкил қилишига боғлиқдир. Уй вазифасини беришда ўқувчининг имкониятларини соғлиғини инобатга олган ҳолда юкламалар бериш муҳимдир.

Мутахассислик синф ўқитувчиси ўқувчиларга мутахассислик ва муסיқа-назарий фанлар бўйича уй вазифаларни бажариш учун зарур вақтни ҳисобга олган ҳолда вазифаларини бажаришни тўғри ташкил қилишига ёрдам бериши керак. Ўқувчига мустақил уй вазифаларини бажаришга ажратилган вақтдан унумли фойдаланишга ўргатиш жуда муҳимдир.

Синф иши жараёнида ўқувчининг бошқа ўқувчилар билан ансамблда ижросига алоҳида этибор қаратиб, унда (2 чи синфдан ҳафтасига 1 академик соат 2-5 кишиликгача бўлган гуруҳга), оҳангларни фарқлашига ўргатиб бориш муҳимдир.

Барча ўқувчилар учун «умумий фортепиано» фани зарурдир (1 синфда 0,5 академик соатдан, 2-5 синфларда ҳар бир ўқувчига ҳафтасига 1 академик соатдан) чунки ҳамма муסיқий-назарий фанларда (сольфеджио, муסיқий адабиёт) фортепианодан фойдаланилади.

3-5 синфларда ўқувчиларининг жамоа бўлиб муסיқа ижро этиш мақсадида оркестрлар ташкил қилинади (гуруҳлар учун ҳафтасига 3 академик соатдан ажратилади, оркестрнинг 1 гуруҳидаги ўқувчилар сони ўртача 6-10 кишини ташкил этиши керак. Ойда 1 марта 2 академик соатдан оркестр фани учун бирлаштирилган машғулотлар олиб борилади.

Шахсий иш режа тузиш

Болалар муסיқа ва санъат мактабларида мутахассислик фани бўйича биринчи ва иккинчи ярим йилликнинг бошида ўқув дастур талабларига мос равишда, ҳар бир ўқувчига шахсий иш режаси тузилади.

Ўқув жараёнида ўқувчининг ижро этадиган асарлари, унинг ижодий шахс сифатида шакилланишида муҳимдир. Шунинг учун ўқитувчи ҳар бир ўқувчининг шахсий иш режасини тузишда уларнинг иқтидорлари ва имкониятларини инобатга олган ҳолда алоҳида этибор бериши керак.

Хатто малакли ўқитувчи ҳам ўқувчининг истиқбол шахсий иш режаси асосида иш олиб бормаса, ўқувчи кўзланган натижага эриша олмайди. Шахсий иш режани тузишда ўқитувчи қуйидагиларни ҳисобга олиши керак: аввало, ўқувчининг алоҳида хусусиятларини, унинг умумий мусиқавий ва техникасининг ривожланиш даражасини ҳамда ўқитишда босқичма босқич ва кетма-кетлик тамойилларига риоя қилиши керак. Бунинг барчаси, шубҳасиз ўқувчининг уйғун шаклланишига, мусиқа қобилиятлари, ижодий ташаббускорлигини ривожланишига кўмаклашади.

Ўқувчининг шахсий иш режадаги репертуарида асарлар мазмуни, шакли, услуби, фактурасига кўра турли туман бўлиши керак. Техника кўникмаларини ривожлантириш учун зарур бўлган инструкторив материалдан ташқари, мутахассислик ўқитувчиси шахсий иш режа дастурларига ўзбек ва жаҳон мумтоз мусиқасининг энг сара асарлари намуналарини киритиши лозим. Ўқув репертуарига ўзбек халқ мусиқаси намуналари, ҳамда замонавий ўзбек ва жаҳон композиторларининг асарлари киритилиши керак.

Ўзбекистон композиторларининг махсус дамли чолғу асбоблари учун яратилган асарлар доираси унча катта эмаслигини ҳисобга олган ҳолда, ўқув жараёнида бошқа чолғулар ёки товушлар учун яратилган асарларнинг қайта ишланган вариантларидан кенг фойдаланиш керак. Қайта мослаштирилган асарлар юқори бадий талабларга жавоб бериши керак, муаллифнинг асосий ғоясини сақлаб қолиши керак ва дамли чолғу асбобларининг характерли хусусиятларидан кенг фойдаланиши лозим.

Ўқув материални танлашда асосий мезонлардан бири юқори бадий қиёфадаги хиссий мазмундаги мусиқага эришишдан иборат. Шахсий иш режани тузаётган ўқитувчининг олдида аввало, ёш мусиқачининг бадий, техник томонлари ижодий қиёфасининг индивидуал такрорланмас томонларининг уйғунликда шаклланиши учун, қандай материални биринчи галда ўрганиш кераклиги хақида кўплаб саволлар пайдо бўлади.

Шунинг учун режага киритилган асарлар, ўзининг мазмуни бўйича ўқувчининг темпераментига, характерининг тузилиши, фикрлаши, эстетик дидига, ҳамда ушбу босқичдаги унда мавжуд бўлган техник воситаларига мос бўлиши керак. Режани тузишда ўқитувчи тўғри аниқлаши керак: маълум ўқувчининг камчиликларини тузатиш, ёки мусиқа-ижрочилик техникасининг у ёки бу томонларини янада мукамаллаштириш учун яхши хизмат қилиши учун, қачон ва айнан қандай бирикувда ва пропорциялардаги бадий ва ўқув-тарбиявий материални репертуарга киритиш кераклигини аниқлаш керак.

Тадрижийлик тамойилини ва ўқитишдаги кетма-кетликни ҳисобга олиб, ўқитувчи асарларни танлаб олишда, ўқувчининг индивидуал хусусиятларини ҳисобга олиши мажбур. Репертуар учун юқорида қайд этилган тамойилларни ҳисобга олиб, тегишли тарзда танланган материал, ўқитувчининг ўзи тузган шахсий иш режа амалдаги муваффақият даражасини оширади.

Ўқувчининг шахсий иш режани тузишда, муҳими дидактик тамойилни тушунарли эканини ҳисобга олиш керак. Бу тамойилга риоя қилмаслик, режага киритиш, мусиқа ёки техника жихатидан ўқувчи етарлича тайёр

бўлмасликка, келгусида эса нихоятда мураккаб асарларни ўрганиши, салбий оқибатларга олиб келади. Уларни тузатиш қийин, айрим ҳолларда таълим беришнинг кейинги жараёнларида жуда жиддий асарлар устида ишлаш унумсиз катта вақт ва куч сарфлашни талаб қилади, натижада бошқа ўқув материални ўрганишга вақт ва кучи етмай қолади.

Шу билан бирга, амалиётда кузатилгандек, ўқувчининг эртанги кунига назар солиш тариқасида, режага кейинги синфнинг репертуаридан айрим асарларни киритиш мумкин. Бу асарларни энг қобилиятли, яхши тайёргарлик кўрган, дастурни муваффақиятли бажарадиган ўқувчиларнинг режасига киритиш тавсия қилинади. Агар асар ўқувчининг имкониятларидан юқори бўлмаса, унинг истагига кўра бошқа янги асарни киритиш имконияти ҳам йўқ эмас.

Дастурга киритилган репертуарли рўйхатлар намунавий ҳисобланади. Ўқитувчига ўқувчининг индивидуал хусусиятларига кўра уларни тўлдириш ҳуқуқи берилган.

Ўқувчига берилган тавсифнома шахсий иш режасининг ажралмас қисми ҳисобланади. Тавсифнома ўқувчининг нафақат мусиқий қобилиятларини, балки унинг мусиқа билан шуғулланиш билан боғлиқ бўлган шахсий сифатларини ҳам акс эттириши керак. Шунинг учун мутахассислик фанини олиб борувчи ўқитувчи кузатувчан бўлиши, ўз синфидаги ҳар бир ўқувчининг ҳамма кўринишларини пайқаш қобилияти бўлиши керак: унинг мусиқага бўлган муносабати, чолғу асбобга мослашиши, дарсларда ва дарсдан ташқари ўзини тутишини ахлоқини назорат қилиши керак. Чуқур рухий жараёнларга кириб бориш қобилияти, ҳар бир ўқувчида ўзига хос хусусиятни индивидуалликни ажратиш ва барча йиғилган фактларни кейин умумлаштириш, бунинг ҳаммаси ўқувчининг тавсифномасини тузишдек мураккаб муаммони ечишга кўмаклашади. Тавсифнома аниқ, жонли ва жўшқин бўлиши керак. У босиб ўтган йўлнинг яқунлари ва келгуси даврнинг биринчи галдаги вазифаларни ўз ичига олиши керак.

Ўзлаштиришни ҳисобга олиш

Болалар мусиқа ва санъат мактаблари фаолиятининг муваффақиятли бўлиши учун мутахассислик синф ўқувчиларининг ўзлаштиришини оқилона ҳисобга олиш катта аҳамиятга эга. Ўқувчининг ўқув йили давомида ўзлаштиришини ҳисобга олишнинг асосий шакли бу ўқитувчи қўйган чорак баҳосидир, ундан ташқари, ўқувчининг ижрочилик ютуқлари биринчи ва иккинчи ярим йилликда ва академик концертларида олган баҳоларидир. Академик концертлардаги, имтихонлардаги баҳолар, директор буйруғи билан белгиланган тартибда, бўлим бошлиғи, дамли ва зарбли чолғу асбоблари бўлимининг энг тажрибали ўқитувчиларидан иборат бўлган аттестацион комиссиянинг қарорига биноан қўйилади. Иккинчи ва бешинчи синфларда, ўқув режасига кўра, ўқув йилининг охирида имтихон назарда тутилган, яқуний

баҳо йиллик ўзлаштиришни ва аттестация (имтиҳон) комиссияси қарори билан қўйилган баҳони ҳисобга олган ҳолда қўйилади.

Академик концертларда ижро қилинадиган асарларнинг шакли ва сони, дамли ва зарбли чолғу асбоблари бўлимининг қарори билан ҳал қилинади. Бироқ уларнинг миқдори турли характердаги, кичик синф ўқувчилари учун икки асардан кам бўлмаслиги керак, 3-5 синфларда эса, уч асардан кам бўлмаслиги керак.

Ўқувчиларнинг барча чиқишлари аттестация комиссияси томонидан муҳокама қилинади. Муҳокаманинг асосий мақсади ўқитувчига ёрдам беришдир, у эса ўз навбатида, танқидни эътиборга олиши, ўзининг келгуси ишида ҳамкасбларининг маслаҳатларини қўллаши керак. Муҳокаманинг самарадорлиги ҳамкасблари ва бўлим раҳбарига боғлиқдир, хушмуомалалик ва хайрихоҳлик шаклига риоя қилиш жуда муҳимдир. Муҳокамада ўқитувчига қилинган аниқ хулосалар ва маслаҳатлар баённомада қайд қилинади.

Ўқувчининг чолғу ижрочилик муваффақияти қатор омилларга боғлиқдир: бу концерт учун дарстурни танлаш, унинг ижрочилик белгилари, ўқувчи ишининг сифати. Ижро пайтида турли тасодифлар содир бўлиши мумкин. Омилларнинг барчасини қўшиб битта рақам билан акс эттиришнинг иложиси йўқ. Бундай баҳолашда доимий низолар келиб чиқади. Болалар мусиқа ва санъат мактабларининг мусиқа бўлимида ўқувчиларнинг ўзлаштириш бўйича баҳоларни қўйиш мезонлари шартлидир. Масалан, “4”, “5” баҳолари тенг даражада, бироқ ўз қобилиятлари даражасида сезиларли муваффақиятларга эришган мусиқий иқтидори аъло ва яхши бўлган ўқувчига қўйилиши мумкин.

Бироқ барча ҳолларда ҳам, болаларнинг истеъдоди даражасидан қатъий назар, баҳоланинг асосий мезони бу асарни саводли ва тушунган ҳолда ижро қилинишидир. Баҳоларни қўйишда ўқувчиларнинг барча чиқишлари тўрт босқичли, беш баллик тизим бўйича баҳоланади. Бунда қуйидаги мулоҳазаларга таяниш керак:

а) ўқувчининг иши яхшиланиши учун рағбатлантириш сифатида баҳолашдан фойдаланиш (шунинг учун баъзида тиришқок, лекин ижросида ёрқин бўлмаган ўқувчига бир оз баҳосини кўтаришга тўғри келади ва аксинча, истеъдодли, бироқ ёмон ишлайдиган ўқувчининг баҳоси пасайтирилади);

б) ўқувчининг сифатли ижро этишига чалғиб белгиланган даражани назардан қочириб (сахнада ўзини тутиш маданиятини) юқори баҳо қўйиш мумкин эмас.

Шундай қилиб, сахнадаги ижроси ва ижро устидаги меҳнати учун қўйилган баҳолар бир бирни тўлдиради.

Ўқувчиларнинг ижро кўникмаларини ошириш мақсадида ўқув йилининг иккинчи чорагида академик концерт, учинчи чорагида техник имтиҳонда, (гаммалар, этюдлар) ва ноталарни варақдан ўқиш бўйича баҳоланадиган синовлар, тўртинчи чорақда синфдан синфга ўтказиш имтиҳонлари ўтқазилади. Синовдан ўта олмаган ўқувчига қайта топшириш учун қўшимча муддат берилади.

Баҳоланадиган синовлар яхши ташкил қилинган ва тасдиқлаб чиқилган жадвал бўйича ўтказилиши лозим, улар ўқувчининг минимал миқдорда вақтини олиши керак.

Болалар мусиқа ва санъат мактаблари ўқувчилари умумтаълим мактабларида таълим олиб, мусиқа фанларини ҳам ўзлаштира олаётганликларини албатта инобатга олиш лозимдир.

Якуний аттестацияда (битирув имтихонида), қўйилган баҳо катта аҳамиятга эга бўлиб, комиссияси томонидан пухта ўйлаб чиқилган бўлиши керак. Бу баҳо, нафақат битирув дастури ижросидаги таассуротлар асосида қўйилади, балки ўқувчининг муваффақиятлари кўрсаткичларини, таълим олган барча ўқув йилларида унинг самарали меҳнати сифатини ҳисобга олган ҳолда қўйилади.

Якуний аттестация (имтихон) комиссияси ўқувчига унинг келгусида мусиқа таълимини давом эттириши ҳақида тавсиялар чиқаришда маъсулият билан ёндошиши керак. Ошириб қўйилган баҳолар айрим ўқувчиларни уларнинг касбий қобилиятлари ҳусусида янглиштирган ҳоллари мавжуд.

Ўқувчилар Республикамизнинг етакчи мактабларининг дамли ва зарбли чолғу асбобларининг йўналиши бўйича юқори чавиали яхши ўқитувчиларининг тажрибаларини мунтазам равишда ўрганиб боришлари керак. Мусиқий тарбиялаш ва ўқитишнинг ҳамма прогрессив усулларини ўзлаштириши ва малака оширишнинг қўплаб шаклларини қўллашлари керак.

БИРИНЧИ СИНФ

Машғулотлар якка дарс шаклида олиб борилади

Ўқув йили давомида ўқувчилардан қуйидагиларни ўрганишлари талаб этилинади;

Ўқувчи чолғуда ижро этаётган пайтдаги ҳолатлари, товуш чиқаришнинг тўғри йўлга қўйилишини, гавда, бош, қўл ҳолатлари, ижрочилик нафас олиш асосларининг илк кўникмаларини ўзлаштириши, пауза чўзимлари, бутун, яримталиқ, чоракталиқ ноталар (2/4,4/4,3/4) ўлчовларини ўрганишлари керак. Товушларнинг паст ва баландлигини, юқориланиб ва пастлашиб боришини, узун ва қисқалиги ҳақида тушунчага эга бўлиши.

Бир белгилик бўлган мажор ва минор гаммалар ва уларнинг уч товушлигини бир октавада, чоракталиқ ва саккизталиқ ўлчовлар билан секин ҳаракатда ижро эта билиш лозим.

Ўқув йили давомида ўзлаштириши учун 10-12 та этюд ва машқлар, 8-10 та кичик шаклдаги куйларни ёддан фортепиано жўрлигида ижро этиши;

Иккинчи чорак академик концертда, 2-3 та турли характердаги куйларни ёддан фортепиано жўрлигида ижро этиши:

Учинчи чорак техник имтихонда, секин темпда битта мажор ва битта минор гаммаларини, тоника уч товушлигининг тўғри ҳаракатда чоракталиқ ўлчамда, ҳамда битта этюд ижро этиши:

Тўртинчи чоракда академик концертда, 2-3 та турли характердаги асарларни фортепиано жўрлигида ёддан ижро этиши лозим.

Ўтказишнинг талаблари

Синфдан синфга ўтказиш имтиҳонда ўқувчи; хонида битта этюд ва иккита турли характерли куйни ижро қилиши керак.

Тахминий ижро этиладиган бидий асарлар рўйхати.

Ю. Шапорин – Алла

В. Моцарт – Май қўшиғи

ИККИНЧИ СИНФ

Ўқув йили давомида ўқувчилардан куйидагиларни ўрганишлари талаб этилинади;

Ансамбль ҳақида умумий тушунчага эга бўлиш:

Ўқувчи чолғу асбобда ижрочилик махоратини ривожлантириш, аниқ ва чиройли соф товуш устида ишлаши, тил ва бармоқ харакатчанлиги, ижро нафасини ривожлантириши, юз ва лаб мушакларини мустахкамлаши, эшитиш қобилятини ва мусиқий хотирани ривожлантириши:

Тасирчан ижро асосларини: piano, messo-forte, forte, krescendo, diminuendo, динамикаларини ўрганиш ва ижро этиш:

Иккита белгигача бўлган мажор ва минор гаммаларини арпеджиосини тўғри ва айланма харакатини, (detashe, legato) да секин темпда ижро эта билиш:

Ансамбль фани бўйича 2-3 та куйни ижро эта билиш;

Ўқув йили давомида ўзлаштириши учун 6-8 та этюд, 6-8 та кичик хажмдаги асарларни фортепиано жўрлигида ёддан ижро эта билиш;

Ўқув йили давомида ўзлаштириши учун 10-12 та этюд ва машқлар, 8-10 та кичик шаклдаги куйларни ёддан фортепиано жўрлигида ижро этиши;

Иккинчи чорак академик концертда, 2-3 та турли характердаги куйларни ёддан фортепиано жўрлигида ижро этиши:

Учинчи чорак техник имтиҳонда, секин темпда битта мажор ва битта минор гаммаларини, тоника уч товушлигининг тўғри харакатда саккизталиқ ўлчамда, хамда этюд ижро этиши:

Тўртинчи чоракда академик концертда, битта этюд 2-3 та турли характердаги асарларни фортепиано жўрлигида ёддан ижро этиши;

Ўқув йили давомида ўқувчи мусиқий парчалардан енгил этюд ва асарларни нотага қараб ўқишни ўрганиши керак бўлади.

Ўтказишнинг талаблари

Синфдан синфга ўтказиш имтиҳонда ўқувчи; битта этюд ва иккита турли характерли куйни ижро қилиши керак.

Ўтказишнинг тахминий имтиҳон дастури

Этюд /ўқитувчи танловига кўра/
П. Чайковский – Ширин ҳаёл
В. Моцарт – «Сехрли флейта» операсидан Аллегретто

УЧИНЧИ СИНФ

Ўқув йили давомида ўқувчилардан куйидагиларни ўрганишлари талаб этилинади;

Оркестр фани бўйича, симфоник оркестр, эстрад симфоник оркестри, дамли оркестрлар тембрини товушларидан ажрата билиш хақида умумий тушунчага эга бўлиш:

Ўқувчи чолғу асбобида ижрочилик махоратини, мусиқий дидни, ривожлантириш, аниқ ва чиройли товуш устида ишлаш, тил ва бармоқ харакатчанлиги, ижро нафасини ривожлантириш, юз ва лаб мушакларини мустахкамлаш, эслаб қолиш ва эшитиш қобилияти ва мусиқий хотирани ва нотани варақдан ўқишни ривожлантириш, ўтилган дастурларни қайтариш ва мустахкамлаш:

Ижрочилик махоратини ошириш мақсадида оддий ва мураккаб ўлчовларни ўзлаштириш, машқ, этюд ва куйларни 3/4 ўлчовни, учга ва бирга, 2/2 ўлчовни, тўртга ва иккига, 3/8 ўлчовни, учга ва бирга, 6/8 ўлчовни, олтига ва иккига санашни, оддий ва мураккаб ритмларни ижро этишни ўрганиш лозим.

Учта белгигача бўлган мажор ва минор гаммаларини арпеджиосини тўғри ва айланма харакатда, ўртача темпда (detashe, legato, staccato) саккизталиқ ва триол ритмик группасида ижро этиш:

Ўқув йили давомида ўзлаштириши учун 6-8 та этюд, 6-8 та куй ёки асарларни фортепиано жўрлигида ёддан ижро эта билиш;

Ансамбль фани бўйича 2-3 та куйни ижро эта билиш;

Иккинчи чорак академик концертда, 2-3 та турли характердаги куй ёки асарларни ёддан фортепиано жўрлигида ижро этиши:

Учинчи чорак техник имтихонда, ўртача темпда уч белгигача бўлган битта мажор ва битта минор гаммаларини, тоника уч товушлигининг тўғри ва айланма харакатда саккизталиқ (ўқувчини қобилиятига қараб ўн олтиталиқ бўлиш мумкин) ўлчамда, ҳамда этюд ижро этиши:

Тўртинчи чоракда академик концертда, битта этюд, 2-3 та турли характердаги асарларни фортепиано жўрлигида ёддан ижро этиши;

Ўқув йили давомида ўқувчи мусиқий парчалардан енгил этюд ва асарларни нотага қараб ўқишни ҳамда оркестр синфи бўйича мураккаб парчаларни ўрганиши керак бўлади.

Мутахассислик фанидан ижрочилик махоратини ошириш мақсадида ўқувчи академик концертларда, муассасада ва турли жойларда бўлиб ўтадиган тадбирларда иштирок этиши тавсия этилади.

Ўтказишнинг талаблари

Синфдан синфга ўтказиш имтиҳонда ўқувчи; битта этюд ва иккита турли характерли куйни ижро қилиши керак.

Ўтказишнинг тахминий дастури

Этюд /ўқитувчи танловига кўра/

В. Тилик Қиз рақси

А. Верстовский - Вальс

ТЎРТИНЧИ СИНФ

Ўқув йили давомида ўқувчилардан куйидагиларни ўрганишлари талаб этилинади;

Ўқувчи чолғу асбобида кейинги ижрочилик махоратини такомиллаштириш, мусиқий дидни, хотирани ва эшитиш қобилиятини бошқариш, аниқ ва чиройли соф товуш устида ишлаш, тил ва бармоқ харакатчанлиги янада ривожлантириш, ижрочилик нафасини такоминлаштириш. Нотани варақдан ўқишни ривожлантириш, ўтилган дастурларни қайтариш ва мустахамлаш:

Ижрочилик махоратини ошириш мақсадида оддий ва мураккаб ўлчовларни ўзлаштириш, *trel va gruppetto* ларни машқ, этюд ва куйларда ижро этишни ўрганиш;

Оркестр фани бўйича асарлардан мураккаб парчадарни ўрганиш ва ижро эта билиш;

Тўртта белгигача бўлган мажор ва минор гаммаларини арпеджиосини тўғри ва айланма харакатини, саккизталиқ ноталар билан ўртача темпда (*detashe, legato, stakatto*) нуқталиқ саккизталиқ ва триол ритмик группасида ижро этиш:

Ўқув йили давомида ўзлаштириши учун 6-8 та этюд, 6-8 та куй ёки асарларни фортепиано жўрлигида ёддан ижро эта билиш;

Иккинчи чорак академик концертда, учта турли характердаги куй ёки асарларни ёддан фортепиано жўрлигида ижро этиши:

Учинчи чорак техник имтиҳонда, ўртача темпда тўртта белгигача бўлган битта мажор ва битта минор гаммаларини, тоника уч товушлигининг тўғри ва айланма харакатда саккизталиқ (ўқувчини қобилиятига қараб ўн олтиталиқ) ноталар билан, ҳамда этюд ижро этиши:

Тўртинчи чоракда академик концертда, битта этюд учта турли характердаги асарларни фортепиано жўрлигида ёддан ижро этиши;

Ўқув йили давомида ўқувчи мусиқий парчалардан енгил этюд ва асарларни нотага қараб ўқишни ҳамда оркестр синфи бўйича мураккаб парчаларни ўрганиши;

Мутахассислик фанидан ижрочилик махоратини ошириш мақсадида ўқувчи академик концертларда, муассасада ва турли жойларда бўлиб ўтадиган тадбирларда иштирок этиши тавсия этилади.

Ўтказишнинг талаблари

Синфдан синфга ўтказиш имтиҳонда ўқувчи; битта этюд, иккита турли характерли пьеса ёки катта шаклдаги бир асар ижро қилиши керак.

Ўтказишнинг тахминий дастури

Этюд /ўқитувчи танловига кўра/

А. Лядов – Прелюдия

В. Моцарт – Туркча рондо

БЕШИНЧИ СИНФ

Ўқув йили давомида ўқувчилардан қуйидагиларни ўрганишлари талаб этилинади;

Ўқувчилар чолғу асбобида кейинги бадий ижрочилик махоратини такомиллаштириш, товуш устида ишлаш, мусиқа асбобида техник имкониятларни мукамалроқ эгаллаш, тил ва бармоқ харакатчанлиги янада ривожлантириш, ижрочилик нафасини такомиллаштириш. Нотани варақдан ўқишни ривожлантириш, ўтилган дастурларни қайтариш ва мустахкамлаш:

Қуйидаги ритмик шакилларни ўн олтиталик триол, нуқталиқ ўн олтиталиқ ўттиз иккиталиқ, нуқталиқ саккиталиқ гурухларни ўрганиш, алохида шакилдаги чўзимлар, дуол, квартолларни пухта ўрганиш;

Оркестр фани бўйича асарлардан мураккаб парчаларни ўрганиш ва ижро эта билиш;

Бешта белгигача бўлган мажор ва минор гаммаларини арпеджиосини тўғри ва айланма харакатини, (D7 тўғри ва айланма харакатини, Ут. VII₇ тўғри ва айланма харакатини, хроматик гаммаларни(ўқувчини қобилиятидан келиб чиққан холда) ўрта ва тез темпда (detashe, legato, stakkatto) нуқталиқ ўн олтиталиқ ноталар билан ижро этиш:

Ўқув йили давомида ўзлаштириши учун 6-8 та этюд, 4-6 та куй ёки асарларни , улардан битта асар йирик шаклда фортепиано жўрлигида ёддан ижро этиш;

Иккинчи чорак академик концертда, учта турли характердаги куй ёки асарларни ёддан фортепиано жўрлигида ижро этиши:

Учинчи чорак техник имтиҳонда, тез темпда Бешта белгигача бўлган мажор ва минор гаммаларини арпеджиосини тўғри ва айланма харакатини, (D7 тўғри ва айланма харакатини, Ут. VII₇ тўғри ва айланма харакатини, хроматик гаммаларни ўқувчини қобилиятидан келиб чиққан холда) ўрта ва тез темпда (detashe, legato, stakkatto) нуқталиқ ўн олтиталиқ ноталар билан ижро этиш

Тўртинчи чоракда академик концертда, иккита турли характердаги асарлар ва битта йирик шакилдаги асарни фортепиано жўрлигида ёддан ижро этиши;

Ўқув йили давомида ўқувчи мусикий парчалардан мураккаб этюд ва асарларни нотага қараб ўқишни ҳамда оркестр синфи бўйича мураккаб парчаларни ўрганиши;

Мутахассислик фанидан ижрочилик махоратини ошириш мақсадида ўқувчи академик концертларда, муассасада ва турли жойларда бўлиб ўтадиган тадбирларда иштирок этиши тавсия этилади.

Имтихон талаблари

Битирув имтихонида ўқувчи: битта этюд, учта турли характерли пьеса ёки катта шаклдаги бир асар ёки бир пьеса ижро этади.

Тахминий имтихон дастури

1-вариант: Н.Платонов 30 этюд: № 16

П. Чайковский – Оҳанг

А. Дворжак – Юмореска

ПЬЕСАЛАР, ЎҚУВ ҚЎЛЛАНМАЛАР ВА ПЕДАГОГИК РЕПЕРТУАР ТЎПЛАМЛАРИНИНГ ТАХМИНИЙ РЎЙХАТИ

Флейтада- ўқувчи альбоми. БММ учун ўқув-педагогик репертуар. Киев, 1969.

БММ учун Флейтада- ўқувчи альбоми. /тузувчи. Д. Гречишников/. Киев, 1977.

Флейтада- ўқувчи альбоми. БММ учун ўқув-педагогик репертуар. Киев, 1973.

Флейтада- ўқувчи альбоми. БММ 1-3 синфлар учун. тузувчи Д. Гречишников. Киев, 1969.

Джалил С. Қалбимда.

Закиров Д. Яллама-ёрим.

Келлер Э. Флейта учун этюдлар, дафт.2. М., 1960.

Моцарт В. Флейта ва фортепиано учун Концерт № 1. М., 1960.

Мушель Г. Ария.

Мушель Г. Арабеска.

Мушель Г. Сонатина 1,2,3 қисмлар.

Покровский Л. Блокфлейта чалиш учун бошланғич дарслар. БММ 1-4 синфлари учун Қўлланма. М., 1982.

Платонов Н. Флейта чалиш мактаби. М., 1983 .

Платонов Н. Флейта учун ўттизта этюд. М., 1938.

Ёғочли дамли чолғу асбоблари учун Ўзбекистон композиторларининг пьесалари. Т., 1985.

Дамли чолғу асбоблари учун Ўзбекистон композиторларининг пьесалари. Т., 1990.

Тесаков К. Дамли чолғу асбоблар учун ансамбллар Тўплами. БММ катта синфлари учун. Минск, 1982.

БММ учун ўқув репертуари, флейта, 1 синф. Киев, 1977.

БММ учун ўқув репертуари, флейта, 2 синф. Киев, 1978.

- БММ учун ўқув репертуари, флейта, 3 синф. Киев, 1979.
- БММ учун ўқув репертуари, флейта, 4 синф. Киев, 1980.
- БММ учун ўқув репертуари, флейта, 5 синф. Киев, 1981.
- Флейта учун Хрестоматия. 1,2 синфлар БММ / тузувчи Ю. Должиков/ М., 1982.
- Флейта учун педагогик репертуар Хрестоматияси, 1-қисм /тузувчи Ю. Должиков/ М., 1969.
- Флейта учун педагогик репертуар Хрестоматияси, 2-қисм /тузувчи Ю. Должиков/ М., 1971
- Флейта учун педагогик репертуар Хрестоматияси, 3-қисм /тузувчи Ю. Должиков/ М., 1972
- Ягудин Ю. Флейта учун енгил этюдлар. М., 1968.